O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

DAVLAT VA HUQUQ INSTITUTI

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ: КЕЧА ВА БУГУН

WORLD TRADE ORGANIZATION

Тошкент – 2024

Ўзбекистон Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Монография

Тошкент – 2024

УЎК: 339.54(100)
ББК: 65.428
Ж 39

Монография ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти Илмий кенгашининг 2024 йил 20 августдаги 9-сон мажлисида нашрга тавсия этилган.

Жаҳон савдо ташкилоти: кеча ва бугун / Монография /Б.Т.Акрамходжаев, Ш.А.Ахунов, М.Х.Баратов, О.Окюлов, Ш.Н.Рузиназаров, Р.Т.Хакимов. – Тошкент: Kamron press, 2024. 392 б.

Масъул муҳаррир: академик **А.Х.Саидов**.

Муаллифлар гуруҳи раҳбари:
**М.Т.Турғунов**, ю.ф.д., ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти директори

**Тақризчилар:**
юридик фанлар доктори, ТДЮУ профессори **К.М.Мехмонов**,
юридик фанлар доктори, ИИВ академияси профессори **Н.А.Кўлдашев**

**Муаллифлар гуруҳи:**
**Б.Т.Акрамходжаев** – ю.ф.н., доцент, **М.Х.Баратов** – ю.ф.д., профессор,
**Р.Т.Хакимов** – ю.ф.д., доцент (1-боб 1-4, 6, 2-боб 1-6, 8-9-параграфлар)
**Ш.А.Ахунов**, ю.ф.ф.д. (3-боб 1-параграф)
**О.Окюлов**, ю.ф.д., профессор (2-боб 7-параграф)
**Ш.Н.Рузиназаров**, ю.ф.д., профессор (1-боб 5-параграф).

Монография ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институтининг 2024 йилга мўлжалланган "Жаҳон савдо ташкилоти ҳужжатларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш истиқболлари" номли илмий-тадқиқот дастури асосида амалга оширилиб, унда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг ташкил топиши, афзалликлари, миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ЖСТнинг қоида, меъёрлари битимларига мослаштириш, ЖСТ иштирокчиларининг асос солувчи принциплари, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТ билан ҳамкорлигини таъминлашда миллий субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рақамли иқтисодиёт соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш, савдо муҳандислигини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишининг зарурияти тадқиқ қилинган.

Шунингдек, ЖСТ ҳужжатларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий-амалий муаммолари, жаҳон савдосидаги парчаланиш таҳдидлари ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон савдо қарашларига қўшилиши, Ўзбекистон қонунларини TRIPS битими билан уйғунлаштириш, ЖСТга аввал аъзо бўлган мамлакатларнинг халқаро тажрибаси ўрганилган.

Нашр кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9910-9904-3-4

**© Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2024**

## Кириш

"Келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини икки баравар оширишни режа қилганмиз. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли – Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш. Бу 164-та давлат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини беради"[1].

**Шавкат Мирзиёев**

Вақт ўтиши билан, яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йўлидаги устувор йўналишлардан биридир. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида айтиб ўтди. Таъкидланганидек, глобал таҳдидларга қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти "изчил ислоҳотлар" туфайли "барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда".

Мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши доирасида мазкур ташкилот билан ишлаш тизими яратилди, яъни Бош вазир ўринбосари Ж.Ходжаев раҳбарлигида ЖСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссияси шакллантирилди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ўринбосари бошчилигида музокаралар гуруҳи ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар масъул ходимларидан иборат 10-та тематик ишчи гуруҳ таркиблари ташкил этилди.

---

[1] Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлади // https://president.uz/uz/lists/view/6157.

ISBN 978-9910-9904-3-4
9 789910 990434